

Иқлим ўзгаришига мослашиш масалалари бўйича Яшил иқлим жамғармаси билан ҳамкорликни ривожлантириш

Ўзгидрометда Лойиҳаларни баҳолаш қўмитасининг БМТ Тараққиёт Дастури ва Яшил иқлим жамғармаси (ЯИЖ)нинг “Ўзбекистонда ўрта ва узок муддатли мослашиш чора ва ҳаракатларини режалаштиришни илгари суриш учун иқлим ўзгаришига заиф иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларига йўналтирилган Миллий мослашиш режаси” янги лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қўмита ишида етакчи вазирликлар ва идоралар – Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, мақсадли секторлар (қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, соғлиқни сақлаш, уй-жой, фавқулодда вазиятларни бошқариш) идоралари ҳамда мақсадли минтақа (Қорақалпоғистон, Бухоро ва Хоразм вилотялари) вакиллари, жамота ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё мамлакатларида Миллий Мослашиш режаларини ишлаб чиқиш жараёни фаоллашди. Ушбу режалар Париж иқлимий жараёнидан кейинги фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича Ўзбекистонда тўпланган тажриба алоҳида олинган мослашиш чораларидан ана шу чоралар мувофиқлаштирилган миллий режанинг бир қисмига айланадиган тизимли ёндашувга аста ўтишга имкон беради.

Янги лойиҳанинг мақсади Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришига заиф тармоқлари в минтақалари учун мослашиш чора-ҳаракатларини режалаштириш жараёнини илгари суришдан иборат. Тармоқ миллий мослашиш режаси соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиий оғатлар хавфини бошқариш ҳамда энергия самарадор уй-жой қурилишидаги мослашиш чораларига қаратилган.

БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий конвенциясининг кучли иқлимий молиялаштириш воситаси бўлган ЯИЖ билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун унинг молиявий ресурсларидан фойдаланишга кенг имкониятлар очади. БМТТД, Ўзгидромет ва БМТ Атроф муҳит Дастурининг “Ўзбекистонни Яшил иқлим жамғармаси ресурсларидан фойдаланишга тайёрлаш дастури” қўшма лойиҳаси кўмагида кенг доирадаги фойдалаувчиларга Ўзбекистоннинг миллий устувор мақсадларига жавоб берувчи иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш учун имкониятлар яратилмоқда.

Иқлим ўзгаришига мослашиш мамсалалари бўйича Ўзгидромет БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий конвенциясининг Мослашиш жамғармаси билан ҳам ҳамкорлик ўрнатган ҳамда БМТТД билан биргаликда “Ўзбекистоннинг қурғоқчил туманларида жойлашган фермер ва дехқон хўжаликларининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш” лойиҳасини қўллаб-куватламоқда.

Миллий мослашиш режаси лойиҳасини тайёрлаш босқичида мониторинг ўтказиш мослашиш чора ва ҳаракатларини янгилаш ва такомиллаштириш салоҳияти оширилади, мослашиш вариантларини иқтисодий нуқтаи назардан

таҳлил қилиш ва баҳолаш тизими яратилади. Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича устувор тадбирлар миллий ва тармоқ режалари ҳамда бюджетни шакллантиришга интеграция қилинади.

Развитие сотрудничества с Зеленым климатическим фондом по вопросам адаптации к изменению климата

В Узгидромете состоялось заседание Комитета по оценке проектов на котором рассматривался новый проект Программы Развития ООН (ПРООН) и Зеленого климатического фонда «Национальный адаптационный план (НАП), направленный на наиболее уязвимые к изменению климата сектора экономики и регионы, для продвижения средне- и долгосрочного планирования адаптационных мер и действий в Узбекистане».

В работе Комитета по оценке проекта и его обсуждении приняли участие представители ключевых министерств и ведомств - Министерства инвестиций и внешней торговли, Министерства финансов, Министерства экономики и промышленности, соответствующие министерства и ведомства пяти целевых секторов (сельское хозяйство, водные ресурсы, здравоохранение, жилищный сектор и управление чрезвычайными ситуациями) и организаций целевых регионов (Республика Каракалпакстан, Бухарская и Хорезмская области), общественных и негосударственных организаций: Эко-Форума Узбекистана, Центра энергоэффективных технологий и возобновляемой энергетики, Хорезмского Центра сельскохозяйственных консультативных услуг, Ассоциации предприятий альтернативных источников энергии, Аму-Бухарского БУИСа, Совета фермерских и дехканских хозяйств и сельских домохозяйств Республики Каракалпакстан, а также представители ПРООН и других международных организаций.

В настоящее время в странах Центральной Азии активировался процесс по разработки Национальных Адаптационных Планов (НАП). Эти планы являются одним из важнейших направлений деятельности в рамках пост Парижского климатического процесса. Накопленный в Узбекистане опыт работ по адаптации к изменению климата позволяет наращивать в стране деятельность по адаптационному планированию и постепенно переходить от отдельно взятых адаптационных мер и действий к системному подходу, в котором адаптационные меры будут являться частью скоординированного национального плана по адаптации.

Новый проект ставит своей целью продвижение процесса адаптационного планирования для наиболее уязвимых к изменению климата секторов и регионов Узбекистана. Подготовка отраслевого Национального адаптационного плана, для продвижения средне- и долгосрочного планирования адаптационных мер и действий в Узбекистане будут сориентирована на адаптационные меры и действия

в здравоохранении, сельском и водном хозяйстве, управлении рисками стихийных бедствий и энергоэффективности жилищного строительства.

Узбекистан связывает большие надежды с сотрудничеством с ЗКФ, который открывает для нашей страны широкие возможности доступа к ресурсам Зеленого Климатического Фонда, мощного инструмента климатического финансирования РКИК ООН. При поддержке совместного проекта ПРООН, ООН Окружающая Среда и Узгидромета «Программа подготовки Узбекистана к доступу к ресурсам Зеленого Климатического Фонда (ЗКФ)», создаются условия для предоставления широкому кругу пользователей возможности для развития инициатив по адаптации к изменению климата и смягчению его негативных последствий, разработки проектных предложений, отвечающих национальными приоритетами Республики Узбекистан.

По вопросам адаптации к изменению климата Узгидромет уже сотрудничает с Адаптационным фондом РКИК ООН и совместно с ПРООН поддерживает реализацию проекта «Обеспечение климатической устойчивости фермерских и дехканских хозяйств, расположенных в засушливых районах Узбекистан», направленного на адаптацию к изменению климата и повышение готовности наиболее уязвимых слоев населения к засухе и смягчение ее негативных последствий.

В рамках первого этапа нового проекта по подготовке НАП будет усилен потенциал по проведению регулярного мониторинга, обновления и пересмотра адаптационных действий и мероприятий по совершенствованию и анализу адаптационных мер и действий, создана система для проведения экономического анализа и оценки приоритетных вариантов адаптации. Приоритетные мероприятия по адаптации к изменению климата будут интегрированы в национальное и отраслевое планирование и в формирование бюджета.







